



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 16 январь, № 13 (4676)

Жума

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД


Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу янгиланишлар туб мазмун-моҳияти билан инсон ва унинг манфаатларига қаратилганлиги учун ҳам қадриlidir. Эллиққалъа тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан ҳам кейинги йилларда аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида ибратли ишлар олиб борилаётир.

Мазкур муассаса 405 ўринга мўлжалланган бўлиб, тумандаги 130 минг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатади. Шифо маскани мутахассислари асосий эътиборни касалликларнинг олдини олишга, соғлом турмуш тарзини таркиб топтиришга қаратмоқдалар.

Бирлашманинг туғуруқхона бўлимида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, хусусан, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, айниқса, диққатга сазовордир. Утган йили 37133 нафар аёл муассаса хизматидан баҳраманд бўлди. Ўз вақтида амалга оширилган тадбирлар туфайли оналар буйрак хасталиги ва камқонлик касаллигидан фориғ бўлдилар.

Утган йили туғуруқхонамизда 2652 нафар чақалоқ дунёга келди, — дейди олий тоифали гинеколог шифокор Мунаввара Бадриддинова. — Муассасада янги туғилган гўдаклар соғлигини назорат қилиш борасида барча замонавий имкониятлар яратилган. Жумладан, чақалоқлар тана ҳароратини меъёрлаштирувчи "Бибитерим" аппарати, мuddатидан аввал туғилиш ҳолатларида гўдаклар саломатлигини муҳофаза қилишга мўлжалланган энг сўнги тиббий ускуналар биз, шифокорларга иш жараёнида анчайин қулайлик туғдирмоқда. Буларнинг бари юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, келажагимиз ворислари бўлиши баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги беқийс ғамхўрликлар ифодасидир.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.



БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг бир қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида ташкил этилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз Президентининг "Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Иқтисодий реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, айни уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармонларининг ижросини таъминлаш ва шу муносабат билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, Президентимизнинг ушбу фармонлари жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига қўмаклашиш, саноатнинг етакчи тармоқ корхоналари ҳамда кичик бизнесни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган эди.

Тадбирда ўтган давр мобайнида мазкур ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирлар асосида

з. худойшукуров.

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари байрами кенг нишонланаётган шу кунларда Навоий вилояти ҳудудига ҳарбий хизматни ўтаётган бир гуруҳ ҳарбийларга янги уй қалитлари топширилди.

ҲАРБИЙЛАРГА БАЙРАМ СОВФАСИ

Юртимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Замонавий, профессионал армиянинг шаклланиши, эл-юрт осойишталиги йўлида камарбаста бўлаётган ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайиб бораётгани бунинг муҳим омилларидандир. Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида бўлиб ўтган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. Янги уйга эга бўлган ҳарбийлар давлатимиз раҳбари раҳнамолигида кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан беҳад мамнун эканликларини таъкидладилар. Вилоят бадий жамоалари иштирокидаги концерт дастури тадбирга янада кўтаринкилик бахш этди.

— Оила аъзоларим ва яқинларимнинг қувончи чексиз, — дейди кичик сержант Анвар Жумаев. — Барча қулайликларга эга янги уйли бўлдик. Бундай эътибор биз, ҳарбийларнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

ОСУДА ҲАЁТ ҚАДРИ

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатини барчамиз катта мамнуният билан тингладик. Унда истиқлол йилларида профессионал асосдаги миллий армияни шакллантириш борасида қилинаётган ишлар ва унинг натижалари хусусида батафсил сўз юритилган.

Бугун шуни чексиз гурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик туфайли ҳар бир соҳада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, юртимиз тараққиёти, одамларимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун пухта замин яратилмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат самараларидир.

Албатта, осудалик бўлмаган жойда ўсиш ҳам, ривожланиш ҳам бўлмаслиги барча замоналарда ўз исботини топган. Бунга узоқ тарихдан эмас, шу кунлардан ҳам етарлича мисол топиш мумкин. Атрофга бир назар ташланг. Ҳозир дунёнинг турли минтақаларида ма-

ҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар давом этмоқда, террорчилик хуружи халқроқ хавфсизликка таҳдид солиб турибди. Ана шу жараёнлар бизни бугунги тинч ҳаётимизнинг қадрига етишга, асраб-авайлашга, шукрона келтиришга ундайди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда армияни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотлар туфайли Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Қуролли Кучларимиз сафини тўлдирish тақомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди. Бундай

чора-тадбирлар Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг энг эсда қоларли дамларидан бири бўлди. Албатта, бунга ўзидан эришганим йўқ. Жанговар санъат илмига оид билимларни малакали офицерлар Фазлиддин Нарзуллаев, Баҳоидир Ашрапов, Саидахмад Шералиев ва Пўлат Сотиболдиевдан ўргандим. Сафдош дўстларим, шартнома бўйича хизмат сержантлари Шарофиддин Низомов, Аслиддин Хожиматов ва Азамат Берстинов билан барча тайёргарликлар бўйича доимо мусобақадор эканим ҳам қўл келмоқда.

Президентимиз мурожаатида Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини янада юксалтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилди. Ана шу вазифалар бундан кейинги фаолиятимизда бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Жасурбек ХОЛДОРОВ,
сержант.

Дил сўзи

Жарқирғизда янги корхона

Яккабоғ туманидаги Жарқирғиз қишлоғида "Грант-кварц" корхонаси ишга тушди.

Интилиш

Корхонада, асосан, пишқик гишт ишлаб чиқарилмоқда. Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган замонавий дастгоҳлар бир кеча-кундузда 35 минг донагача гишт тайёрлаб бериш қувватига эга.

Янги корхона қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳам муҳим омили бўлмоқда. Ҳозирнинг ўзида жарқирғизлик 150 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Б. НОҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наманганда январь ойининг иккинчи ва февралнинг биринчи ярми "Маънавият ва маърифат ойлиги" деб эълон қилинди.

Ойлик давомида маънавий-маърифий ишларни янада юқори босқичга кўтариш юзасидан қатор хайрли йомушлар амалга оширилади. Белгиланган тадбирлар режасида маҳалларда

Маънавият ва маърифат ойлиги

аҳоли турли қатламлари билан учрашув ва суҳбатлар

Тадбир

ташкил этиб, ёшлар ўртасида кўпни кўрган оқсоқоллар, зиёлилар кўмағида тарбиявий мавзуда мулоқотлар

уюштириш кўзда тутилган. Жойларда ўтказиладиган "Энг намунали хонадон", "Намунали келин ва қайнона" сингари кўриқлар орқали миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимиз тарғибот қилинади.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Сингапур Республикасининг С. Раҷаратнам номидаги Халқаро тадқиқотлар мактаби, Сингапур сиёсий эъроновлиги ва терроризмни ўрганиш маркази билан ҳамкорликда "Терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг замонавий усуллари ва методлари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчилари, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ва банк муассасалари ходимлари иштирок этган анжуманда терроризм глобал миқёсдаги муаммолардан бирига айлангани ва унга қарши курашиш халқаро муносабатлардаги энг муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Конференцияда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши курашиш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур ҳужжатларда терроризмга транс-миллий уюшган жиноятчиликнинг энг хавфли тури сифатида ёндашилиб, унинг барча кўринишларининг олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган механизм ва чоралар кўзда тутилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида терроризмга

(Давоми 2-бетда).

Болалар спорти — доимий эътиборда

2008 йил давомида 186

та спорт иншоотида катта ҳажмдаги қурилуш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, миллионлаб фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси туфайли жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш, ёшларни спорт оламига кўпроқ тортиш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида шундай кўрсаткичга эришилди.



ЖАҲОН 24 соат ичида Сусткашлик оқибати



Канаданинг алоқа воситалари ишлаб чиқарадиган йирик "Nortel" компанияси дунёда кечаётган молиявий инқироз туфайли банкротликка учради, дейилади "Bloomberg" ахборотида.

"Nortel"нинг активлари буғунги кунда бир миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бирок умумий қарзи 12 миллиард АҚШ долларига тенг. Экспертларнинг фикрича, компаниянинг замонавий алоқа воситалари ишлаб чиқаришдаги суст фаолияти унинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатиб, инқироз ёқасига етказган.

Таъкидлаш керак, "Nortel" компаниясига 1895 йили асос солинган бўлиб, у алоқа жиҳозлари ишлаб чиқаришни бошлаган ilk корхоналардан саналади.

Таклиф қабул қилинди

Фаластиннинг "ХАМАС" ҳаракати Миср томонидан Ғазо секторидан тинчлик ўрнатиш ва куралиш ҳаракатлари тўхтатиш тўғрисида билдирилган таклифни қабул қилган.

Бу ҳақда "Франс-пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Маълумотларга қараганда, шу кунларда ҳар икки томон Мисрда ўзаро мулоқотлари давом эттиради ва ярашув сулуҳининг шартлари муҳокама қилинади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг 27 декабрида бошланган ҳарбий ҳаракатлар оқибатида миндан ортиқ фаластинлик ҳамда 13 нафар исроиллик ҳалок бўлган.

Қоғоз уйлар

"Spiegel" газетасида ёзилишича, Европанинг Веймар шаҳридаги олий ўқув юртида "Жаҳоннинг универсал уйи" деб номланган янги лойиҳа ишлаб чиқилган.

5 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Эътироф этилишича, универсал уйларнинг фарқи жиҳати, улар мутлақо янги қурилиш материалларидан — оддий қоғоз панелларидан барпо этилади. Бу материалларнинг патент ҳуқуқи Швейцариянинг "The Wall AG" компаниясига тегишлидир. Компания вакилларининг сўзларига қара, "Жаҳоннинг универсал уйи"га аллақачон қўлгина давлатлар қизиқиб бидирган. Хусусан, Нигерия ва Зимбабведа шундай хонадонлар барпо этишга буюртмалар олинган.



Мазкур лойиҳа аҳолининг кам таъминланган қисми ҳамда аҳоли зич жойлашган шаҳарларда истиқомат қилувчиларга қўмак бериш мақсадида яратилган. 36 квадрат метр ҳудудни эгаллайдиган бундай уйларнинг нархи

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Президентимизнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори юртимизда кутубхоначилик ишини юқори поғонага кўтаришда, улар фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришда дастуриламал бўлмоқда.



Қарор ижросини таъминлаш борасида Хоразм вилоятида ҳам эътиборга лойиқ ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирда вилоятда мавжуд олий ўқув юртиларида 4 та, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси тизимида 84 та, халқ таълими тизимида 67 та ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти қишлоқларда жойлашган.

Аёнки, энг кўп китоб сақланмаган маскан мактабдир. Ўқувчиларга мактаблардаги ахборот-ресурс марказларида замонавий ахборот технологияларида фойдаланган ҳолда мунтазам таълим ва мустақил равишда билим олишлари, халқимизнинг тарихий-маданий меросидан баҳраманд бўлишлари, камол топишлари

БЕБАҲО ХАЗИНА

ушун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Ҳозирги китобхон илоҳи борича кам вақт сарфлаб, ўзига керакли ахборотни тезроқ олишни истайди. Шу боисдан ҳам, кутубхоналарда ахборот олиши ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш лозим. Қарорда назарда тутилганидек, вилоятдаги кутубхоналар фондлари янги замонавий электрон ахборот ресурслари билан бойиб бормоқда. Ушбу зийе масканларида электрон ўқув заллари, видео заллари ташкил этилган. Компьютерлар интернет, "ZiyoNET" ахборот тармоғига боғлиқлаб бўлишлари, камол топишлари

ли равишда маълумотлар билан таъминлаб туриши лозим. Бунда бизга янги информация технологиялардан яқиндан қўмак бормоқда. Китобхонлар керакли маълумотларни излаб сарсон бўлиб юришмайди. Ахборот-кутубхона марказимиздаги 31 та компьютер умр иштиёрида. Бу ерда 13400 номда, 48357 нусхадаги ахборот ҳужжатлар электрон каталогга киритилган. Китобхонларни барча соҳаларга оид янги ахборотлар билан таъминлаш олазим. Чунки бизнинг 58 нафар малакали ходимимиз янги талаблар асосида ишлаяпти, 7 та бўлим, 6 та сектор китобхоналарга намунали хизмат

ортиқ янги адабиёт сотиб олинди. 110 дан ортиқ номдаги ўзбек ва хорижий нашрларга обуна бўлинди.

— Китобхонлар сони ортиб бормоқда, — дейди вилоят ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари Илмира Хамидулина. — Кутубхоналар китобхонларни тез ва сифат-

Қарор ва ижро

адабиётлар билан тўлдириб бориламаса, китобхонларни кўпроқ жалб этиш, уларга маънавий таъсир кўрсатиш, талабини қондириш мушкуллашади. Ҳозирда вилоят ахборот-кутубхона марказининг умумий китоб жамғармаси, журналлар билан биргаликда ҳисоблаганда, 592 минг 500 та нусхага яқин. Ўтган йили 1000 дан

кўрсатмоқда. Айниқса, марка-зимизнинг электрон адабиётлар бўлими ўқувчилар билан гавжум. Ҳозирда биргина бизнинг марказ китобхонлари сони 20500 нафарга яқин кишини ташкил этади.

Кутубхоначилик ишининг ривожланиши касбига садоқатли, ўз кучини аямайдиған, ишга ижодий ёндашадиган малакали кадрларга боғлиқ. Шу боис, вилоятдаги ахборот-ресурс марказларини танлов асосида етук кадрлар билан тўлдириш, шу асосда уларнинг халқимиз маънавий янада юксалтиришга ҳисса қўшишларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Вилоятдаги ахборот-ресурс марказлари кўплаб ижтимоий ташкилотлар, масалан, Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда оммавий тадбирлар ўтказмоқда. Бундай сано-ҳаракатлар ўз самарасини беради, албатта.

Обид ҚАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт Sport Спорт

Қатарда ёшлар ўртасида (U 20) футбол бўйича ўтказилган "Дўстлик" халқаро турнири қизинг паллага кирди. Муҳими, унда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этмоқда.

Мезбонлар ҳам тан беришди

Юртдошларимиз учинчи учрашувда мезбонлар Қатар терма жамоасига қарши майдонга тушиб, йирик 3:0 ҳисобида зафар қўқди ва юз фоизлик натижа билан гуруҳда биринчи ўринни эгаллади.

Бош мураббий Аҳмад Убайдуллаев тактика танлаш борасида анча малакали мутахассис эканлигини яна бир қарра исботлади, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки мезбонларга қарши ўтадиган беллашув кийин кечини қутулаётганди. Шунга қарамай, ҳимода мустаҳкам туриб, яратилган вазиятлардан унумли фойдаланган Ўзбекистонлик футболчилар якунда ўзларига керакли натижага эришдилар. Рақиб дарвозасига голлари биринчи бўлимда ярим ҳимоячи Шўхрат Муҳаммадиев, иккинчи бўлимда Кенжа Тўраев ҳамда Достон Абдураҳмонов киритишди. Бу ўйингача вакиллари-миз Беларусь (1:0) ва Малайзия (4:2) терма жамоаларини мағлубиятга уратган эди.

Ярим финал учрашувлари 17 январь кuni бўлиб ўтади.

Гуруҳ ўйинларининг якуний кўрсаткичи:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Ўзбекистон	3	3	0	0	10-2	9
Қатар	3	2	0	1	5-5	6
Беларусь	3	1	0	2	6-4	3
Малайзия	3	0	0	3	2-12	0



Қуръа ташланди

Кеча Ўзбекистон футбол федерациясида 2009 йилги мамлакат кубоги ва олий лига мусобақалари учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Олий лиганинг дастлабки тур учрашувларига 1 март кuni старт берилади. Кўпчиликни чемпионат ўйинларининг нима учун эрта бошланаётгани қизиқтириши, табиий. Хабарингиз бор, жорий йил "Бунёдкор" ва "Пахтакор" янги тизимда ташкил этилган, Осиё чемпионат лигаси, "Нефчи" эса ОФК кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Ушбу мусобақа 10 март кuni бошланади. Миллий чемпионат ўйинларини барвақт бошлашдан асосий мақсад, Осиё чемпионат лигаси ва

ОФК кубогида қатнашадиган жамоаларимизда ўйин амалиётини шакллантиришдан иборат.

Демак, 1 март кuni бўлиб ўтадиган 1-тур учрашувларида "Андижон" — "Локомотив", "Пахтакор" — "Бухоро", "Насаф" — "Шўртан", "Навбахор" — "Олмалик", "Металлург" — "Хоразм", "Сўғдиёна" — "Машъан", "Динамо" — "Бунёдкор", "Қизилқум" — "Нефчи" жамоалари ўзаро беллашадилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

МҲЖ «UZKORGASCHEMICAL» ҚҚС

УСТЮРТ ГАЗ-КИМЭ МАЖМУАСИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНЎТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

хорижий пудратчи томонидан, қурилишни битказиб фойдаланишга топширишда иш фаолиятида зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномалар ва солиққа тортилиш тартибини ишлаб чиқиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тўлиқ маълумот учрашув вақтида берилади.

Тел.: 238-92-23, 238-92-24.
e-mail: uzkorgaschemical@gmail.com

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНК «ПАХТАБАНК»

республика аҳолисини миллий ва хорижий валютадаги мuddатли ҳамда жамғарма омонат турларини таклиф қилади.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, сизнинг омонатга қўйган пул маблағларингиз «Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади! «Пахтабанк» омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

№	Омонат	Фоиз ставкаси	Омонат шартлари
Миллий валютада			
1.	Талаб қилиб олинганча	5% талаб қилиб олинганча	Маблағлар нақд ва нақд пулсиз чекланмаган мuddатга қабул қилинади ҳамда омонатчининг биринчи талабидеёқ берилади.
2.	«Тараққий»	26% жамғарма	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 1, 2, 3, 6, 9, 12, 15 ва 18 ой. - Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. - Маблағлар қабул қилиш мuddати — 2009 йил 5 февраль.
3.	«Замин»	18% жамғарма	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 3, 6, 9 ва 12 ой. - Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади. - Олинмаган фоизлар асосий суммага қўшилади (капитализация қилинади). - Маблағлар қабул қилиш мuddати — 2009 йил 16 январь. - Омонатнинг сақлаш мuddати тугагандан сўнг йиллик 3 фоиз миқдорда бонус ҳисоблаб берилади.
4.	«Нур»	18% мuddатли	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 1, 2 ва 3 ой. - Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. - Маблағлар қабул қилиш мuddати — 2009 йил 20 февраль. - Омонатнинг сақлаш мuddати тугагандан сўнг йиллик 2 фоиз миқдорда бонус ҳисоблаб берилади.
5.	«Хумо»	16% мuddатли	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 2 йил. - Дастлабки 3 ой учун фоизлар олдиндан бунак тарихисиде, кейинги мuddат учун эса фоизлар ҳар ойда берилади. - Маблағлар қабул қилиш мuddати — 2009 йил 10 февраль. - Омонатнинг сақлаш мuddати тугагандан сўнг йиллик 8 фоиз миқдорда бонус ҳисоблаб берилади.
6.	«Ватан ҳимоячилари»	26% мuddатли	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 6, 9, 12, 15 ва 18 ой. - Дастлабки 3 ой учун фоизлар олдиндан бунак тарихисиде, кейинги мuddат учун эса фоизлар ҳар ойда берилади. - Маблағлар қабул қилиш мuddати — 2009 йил 5 февраль.
7.	«Мавийш тўлов»	18% жамғарма	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 2 йил. - Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
8.	«Болалар — келажгимиз»	12%-18% гача жамғарма	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 1, 2, 3 ва 5 йил. - Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
9.	«Навниҳол»	МБ қайта молиялаш ставкасида жамғарма	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 1 йил. - Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. - Мазкур омонат ёш 16 дан 25 гача бўлган ёшлар учун очилади. - Қўйилган маблағлар миқдори мuddати тугагандан сўнг 50 000 сўмдан ошган бўлса, жами тўланган даромаддан 10% қўшимча даромад берилади.
10.	«Ёшлик»	18% жамғарма	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 1, 2, 3, 6, 9, 12, 15 ва 18 ой. - Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
11.	«Ҳосил»	19% жамғарма	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 1, 2, 3 ва 4 ой. - Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
Хорижий валютада			
1.	«Чашма»	АҚШ доллариде 7% мuddатли еврода 6% мuddатли	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 3, 6, 9 ва 12 ой. - Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. - Маблағлар қабул қилиш мuddати — 2009 йил 31 март.
2.	«Эгу»	АҚШ доллариде 7% мuddатли еврода 6% мuddатли	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 3, 6, 9 ва 12 ой. - Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. - Маблағлар қабул қилиш мuddати — 2009 йил 31 март.
3.	«Севинч»	еврода 8% мuddатли	- Омонат суммаси чекланмаган. - Амал қилиш мuddати — 3, 6, 9 ва 12 ой. - Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. - Маблағлар қабул қилиш мuddати — 2009 йил 31 март. - Фоизлар Марказий банк курси бўйича сўмда тўланади.

Қўшимча маълумот учун 150-85-27, 150-53-65 телефон рақамларига қўнғирок қилишингиз ҳамда «Пахтабанк»нинг исталган филиалларига мурожаат этишингиз мумкин. www.pakhtabank.com Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон миллий телерадиокорпорациясининг «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти мухбири Фарҳод Аҳмаджонова онаси

ТОҶИБИ аянинг вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.

УФФ Академик О. С. Солиқов номидаги Ёшларнинг кимё институтини жамоаси оқиллар ва пептилар лабораторияси катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди Ш. Мирзааҳмедова онаси

Янани **МИРЗААХМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.

УФФ Академик О. С. Солиқов номидаги Ёшларнинг кимё институтини жамоаси полифеноллар лабораторияси катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди М. Ғофурова онаси

Назира **ЮЛДАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суртга компанияси жамоаси «Ўзбекивест сармоялари» инвестицион компанияси директори И. Ибрагимовга онаси

Умаржон **ИБРАГИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.

